АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

Базар Султанов, Заир Зуфаров

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, "Ахборот технологиялари" кафедраси доцентлари

Аннотация: Педагогларнинг касбий фаолиятида АКТ ни қўллаш мамлакатимиз таълим тизимини модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Мақолада ахборот-коммуникация кўникмаси ўқув жараёнига интеграцияси ҳақида сўз кетади.

Kalit so'zlar: axborot-kommunikatsiya ko'nikmalari, malaka oshirish, yangi ta'lim standartlari, ta'lim jarayoniga AKT integratsiyasi

Аннотации: Использование ИКТ в профессиональной деятельности учителей - одно из основных направлений модернизации системы образования страны. В статье рассматриваются информационно-коммуникативные навыки, а также механизмы и методы развития учителейи специальностей.

Ключевые слова: информационные и коммуникативные навыки, повышение квалификации, новые образовательные стандарты, интеграция ИКТ в образовательный процесс.

Abstract: The use of ICT in the professional activities of teachers is one of the main directions of modernization of the education system of the country. The article discusses information and communication skills and the mechanisms and methods of developing this skill in teachers of the humanities.

Key words: information and communication skills, advanced training, new educational standards, integration of ICT into the educational process.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади. Бунда таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, бу борада ўқув-услубий мажмуалар сифатини таъминлаш, педагогик технологияларни жорий этишда бўлғуси профессор- ўқитувчиларнинг компьютер ва интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш; олий таълимнинг ахборот ресурс ва

замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш, мазкур йўналишларда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш олий таълим муассасалари, хусусан, педагог кадрларининг фаолият йўналишлари таркибини белгилайди.

Бугунги кунги таълими йўналишларидаги мавжуд ўқув режа ва дастурларининг мазмунини қайта ишлаб чиқиш, таълим жараёнида ўқитишнинг самарали шакл ва методларини қўллаш, талабаларнинг ўқув-услубий тайёргарлигини кучайтириш, касбий маҳоратини ошириш шартшароитларини шакллантириш каби муаммоларни ечиш учун мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишини олиб боришни тақозо этади. Шунинг асосида бўлажак фани ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасини ошириш, илғор педагогик технологияларга асосланган замонавий таълим-тарбиянинг методологик асосларини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, бўлажак фан ўқитувчисини янги педагогик технологиялар асосида тайёрлаш жараёнида, энг аввало, технологик ёндашувнинг хусусиятларини, асосий тавсифий белгилари (тузилма ҳамда функциялари)ни, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлашни назарда тутади.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳар бир босқичда ўқитувчининг энг яқин ёрдамчиси, малакали педагогнинг дарсга тайёргарлик кўришидан тортиб, уни сифатли, қизиқарли ва натижали ўтказишгача бўлган барча жараёнларда энг қулай воситасидир. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда компьютер орқали дидактик, тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, слайд ва дарс ишланмаларини тайёрлаши, интернет ёрдамида эса уларни турли қўшимча маълумотлар, қизиқарли сурат, аудио, видео лавҳалар билан бойитиши мумкин. Дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ўқувчилар дунёқараши, билим ва кўникмаларини кўриш, эшитиш ва мустақил бажариш орқали ривожлантиришга кўмаклашади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, педагогларда ахборот-коммуникация кўникмасини шакллантириш муаммоси, ҳозирги кунда таълим тадқиқотчилари томонидан нафақат қийин, балки ноаниқ ечимини топмаган вазифа деб эътироф этилади.

Бу муаммони ечишнинг асосий шарти – педагогнинг АКТ воситаларидан фойдаланган ўқув жараёнини яратишга тайёрлиги. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир. Иннавацион кўникма қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

-касбий фаолиятнинг АКТ воситаларидан фойдаланган шаклдаги таҳлили

-меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув
-АКТ ва касбий янгиликларни қабул қилишга тайёргарлик
-ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, интилишларини касбий фаолиятида мужассамлаштириш.

Ахборот-коммуникация кўникмасига эга педагог шу қадар кўп ахборотга эгаки, ахборотларни янги ахборот-коммуникация технологияларисиз ишлов бериши ва ишлатиши мумкин эмас. Таълим сиёсатининг ҳозирги асосий мақсади таълим олувчи шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларини қондирувчи муҳим ва келажакдаги ривожи учун зарур юқори самарадорликка эга бўлган замонавий таълим беришга қаратилган. Педагогларнинг касбий омилкорлигини ривожлантириш учун уларни фаолиятининг биринчи кунлариданоқ қўшимча педагогик таълимга жалб қилиш лозим.

Катта хажмдаги ахборот ва билимни бера оладиган АКТ нинг пайдо бўлиши билан таълим ва ўқитиш соҳасида бу борада махсус кўникмага эга бўлишга талаб пайдо бўлди. Бугун АКТ ни педагогик жараёнга татбиқ этиш зарурияти кундан кунга мужассам бўджи. Аммо, афсуски, АКТ асосидаги инновацион методлардан фойдаланиш ўқув фаолиятини енгиллаштириш ва оптималлаштириш ўрнига, уни мураккаблаштириб, ортиқча юклама берилади. Бу каби хатоларни қилмаслик учун компьютер воситаларидан методик ва аниқ мақсадга асосланган ҳолда фойдаланиш ўқув жараёнига АКТ ни муваффақиятли интеграция қила олиш ҳисобига амалга ошиши керак.

Шунингдек, ўқитувчиларда ахборот-коммуникация кўникмасини ривожлантириш учун малака ошириш дастурларини ҳам инобатга олиш лозим.

Ушбу дастурлар ўзида қуйидагиларни мужассам қилиши керак:

- АКТ жаҳон стандартларига жавоб бериши;

- янги кўникма ва билимларни беришга эмас, таълимда аниқ ўзгаришлар қилишга йўналган бўлиши;

- ўқитувчига ўзининг интеграциялашган муҳитини яратишга ёрдам бериши (бунда турли хил сайтлар, ижтимоий гуруҳларга аъзо бўлиш, блоглар яратиш назарда тутилмоқда)

-педагогларга мониторинг ва касбий мулоқатни яратиб бериши лозим.

Дарснинг ҳар бир босқичида ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш, янги билимлар баёни, амалий машғулотлар лаборатория ишларини бевосита ахборот технологиялари ёрдамида қисман ёки бутунлай амалга ошириш имконияти мавжуд.

Бунинг учун эса педагогларга ахброт-коммуникация кўникмасини эгаллашга озгина вақт ва қунт талаб этилади, холос. Шу йўл билан ўқитувчи энг катта мақсадига эришади, ўқувчиларга сифатли таълим беради, уларни катта ҳаётга тайёрлайди.

Педагогнинг ахборот-коммуникация кўникмаси – ўз ичида янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларининг мақсади ва концепциясини шакллантириш орқали рўёбга чиқади. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг негизида уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ётади. Ёшларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда педагог томонидан олиб борилаётган АКТ интеграция машғулотларнинг аҳамияти беқиёсдир. Дарс педагог ва талаба муносабатларининг ташкилий шакли бўлиб, унда ўқитувчининг ахборот- коммуникация кўникмаи талабаларнинг ижодий фикрлашга ундовчи омил ҳисобланади. Ёшларнинг АКТ асосида фикрлаш қобилиятини ривожлантиришни қуйидаги тамойилларини алоҳида эътироф этиш мумкин:

-мақсадга эришишнинг турли йўлларини изълашга интилишини ўргатиш;

-мақсадни амалга ошириш учун машқ қилдиришга ўргатиш;

-муаммони аниқлашга ўргатиш;

-фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олишга ўргатиш;

-фараз, фантазия қила олишга ўргатиш;

-ишонарли хулоса чиқаришга ўргатиш;

-янги ғояларга мойилликни шакллантириш.

Таълимда ўқитувчининг ахборот-коммуникация кўникмасини шакллантириш қуйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- ўқувчи (талаба) фаолиятининг янгиланиши; - педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

Ахборот-коммуникация кўникмасидан самарали фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган ўқув машғулоти ташкил этилади.

Бугунги кунда педагогларнинг ахборот-коммуникация кўникмасига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан бу кўникмани ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади. Педагогларда ахборот-коммуникация кўникмасининг қарор топиши ҳам муракаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади.

Булар тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилиш, мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритиш, янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштириш ва сўнгги босқичда педагогнинг ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратишдан иборатдир.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тадрижий ривожланиши ва иқтисодиётида кечаётган интеграциялашув жараёнлари мутахассислардан иқтисодий билимларга эга бўлиш билан бир қаторда ахборот-коммуникация соҳасида, унинг объекти ва субъектлари, жорий қилиш тамойиллари, бу борада жаҳон такомиллаштирилган воситалари, уларни бевосита молиявий жараёнларга қўллаш ҳақидаги кенг кўламли билимлар ва бевосита турли русумдаги компьютерларда ишлаш малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш жараёни ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади. Ахборотком муникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш билан биргаликда таълим соҳасида, ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади. Илк бор таълимда ахборот технологиясини қўллашда шахс бўлажак касбининг асосий инструменти бўладиган вазият вужудга келади. Иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланишнинг мақсади бир томондан талабаларга ахборот технологиялари орқали таълим бериш имкониятларини ўргатиш, иккинчи томондан таълимда ахборот технологиясининг аппарат инструментал ва дастурий воситалари билан танишишдан иборат.Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълим жараёнини амалга ошириш қуйидаги муаммо ва масалаларни ҳал этишга олиб келади:

✓ кенг кўламли коммуникация ва глобаллаштиришга асосланган замонавий ахборотлаштирилган жамият шароитидаги илмий педагогик, услубий, норматив-технологик ва техник хулосаларга кўра таълимни ривожлантиришни аниқлаштириш;

✓ кенг кўламли коммуникация ва глобаллаштиришга асосланган замонавий ахборотлаштирилган жамият шароитидаги таълим моҳиятини танлаб олиш базаси, мос масалаларга кўра ўрганувчининг шахсини ривожлантириш учун тарбиялаш, ўқитиш усуллари ва ташкилий шаклларини яратишни мукаммаллаштириш;

✓ ахборот-коммуникация технологияларини қўллашдаги таълимнинг барча бўғинлари, жумладан ўқитишнинг усул ва воситалари, инновацион моделлари ва мавжуд педагогик технологияларни асослаш ва яратиш;

✓ ўрганувчи (талаба)нинг интеллектуал потенциалини ўстиришга йўналтирилган ўқитишнинг услубий тизимини ишлаб чиқиш керакки, булар талабага мустақил равишда билимларини жамлаш, маълумотлар ресурсини териш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш фаолиятини амалга оширишга имкон яратиш;

✓ таълимга тегишли тадқиқотлар, электрон воситаларни кўргазма прототипларини ишлаб чиқиш, жумладан дастурий инструментал восита ва тизимларни яратиш ҳам бунга киради.

Таълимни ахборотлаштириш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёни ўқитишдаги ташкилий шакллар ва методларнинг ўзгаришигагина эмас, балки ундаги янги методларнинг шаклланишига олиб келади.

Адабиётлар

1. Khudayberdiev, S. A., Zufarov, Z. M., Tillyashaykhova, M. A., & Samigova, G. A. (2021). Distance education as an innovative technology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *10*(4), 242-247.
2. Kurbanova, A. T., Zufarova, Z. M., Xudayberdiyev, S. A., Tillashayxova, M. A., & Samigova, G. A. (2022). The role of the software in the development of information and communicative competence of students of culture and art. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2741-2749.
3. Sultonov B., Xudayberdiyev S.A., Tillyashayhova M.A., Samigova G.A., Zufarov Z.M. Designing an Algorithm for Automated Analysis of Completed Tasks in a Mobile Learning System. International Journal of Membrane Science and Technology 2023, Vol. 10, No. 2